




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСII
ГАЗЕТАСИ

О'QSHOJ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 73 (9.417) 2000 йил 21 июнь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 июнь кuni МДХ мамлакатлари давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Саммит кун тартибидан йигирмадан зиёд масала ўрин олган. Жумладан, президентлар Ҳамдустлик доирасида эркин савдо зонаси барпо этиш, террорчиликка қарши кураш, хавфсизлик ва ўзаро ҳамкорлиқни яна жонлантириш борасида фикр алмашади.

Шунингдек, музокаралар якунида айрим ҳужжатлар имзоланиши ҳам кутилмоқда.

(ЎЗА).

Анжуманлар

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Ўзбекистон Бадий академияси ўзининг Марказий кўргазмалар залида Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Байналмилал маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишлаб ташкил этган кўргазмани ана шундай атади. Мазкур кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор юртимизда истиқомат қиладиган 130 га яқин миллат вакиллариининг истисноли мусавирлари мўйқаламига мансуб 50 дан зиёд тасвирий санъат асарлари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев

кўргазмани очар экан, тили, дини, эътиқоди, миллатидан қатъи назар, мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар шу заминнинг ўзларининг сеvimли она-Ватани, юртимиздаги тинч-осойишта, фаровон ҳаётни эса энг олий неъмат, деб билишини таъкидлади. Шубҳасизки, қўлга киритилган улкан ютуқларда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллариининг муносиб улуши бор. Ўлкамизда уларнинг тинч, эркин ва фаровон яшаши, меҳнат ва ижод қилиши, илм олиши учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан барча шароит яратилган.

Кўргазма 30 июнгача давом этади.

(ЎЗА).

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳар бир давлатда фуқаролар осойишталиги, мамлакатдаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш миллий муносабатларининг уйғунлиги ва диний бағрикенглик омилларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Маълумки мамлакатимизда юздан зиёд турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Уларнинг ўз миллий ва диний қадриятлари, ўзларига хос маданий анъаналари мавжуд. Шу билан бир қаторда юртимиз фуқароларини бир нарсаси — ягона Ватан манфаати бирлаштириб туради. Шу Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги, тараққиёти ва барқарорлиги унда яшовчи ҳар бир миллатга мансуб, ҳар қандай эътиқоддаги кишилар учун энг муҳим масалалар. Худди шу жиҳатдан Мустақиллиқнинг илк онлариданоқ кўйилган ўзбекистон халқи ягона мақсад — келажаги буюк юрт барпо этиш сари баҳамжиҳат олға одимлаб келмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан Тошкент вилояти ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзудаги амалий семинар ўз мақсад — моҳияти билан Ватанимизда истиқомат қиладиган ҳар бир миллат ва элат вакиллариининг истиқболда озод ва обод юртининг авлодларимизга мерос бўлиб қолишига яна бир бор биргаликда ҳаракат этишга ундовчи анжуман бўлди.

Семинарда Тошкент шаҳар, вилоят ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, Халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармалари ходимлари, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят, шаҳар

ва туман бўлимлари раҳбарлари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар, нодавлат ва ношароит ташкилотлари, диний ташкилотлар масъулари, давлат ва жамоат арбоблари, фан ва санъат намояндалари, поир ва адаблар, сиёсий партиялар, оммавий-ахборот воситалари, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қатнашдилар.

Амалий анжумани Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ўринбосари Рихсидилла Ақромов олиб борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Зўриддин Хусниддинов — «Миллий гоянинг шаклланишида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ўрни» мавзуда маъруза қилиб, бутунги кунда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик борасида миллий маданий марказлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятига баҳо бериб ўтди.

Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ўринбосари Рихсидилла Ақромов, Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Фозилқори Собиров, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Карим Расулов, Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти раиси Қўмишдин Назаровлар сўзга чиқдилар.

Анжуманда қўтарилган масалалар юзасидан Рус миллий маданий маркази раиси Сергей Зинин, Қозоқ миллий маданий маркази раиси Турсунат Холбоев, Юнон миллий маданий маркази раиси Павлидис Хараламбас Сократис, Поляк миллий маданий маркази раиси Ирена Тагисвалар сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА.



Қурилиш

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Шаҳримизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан шу нарсаси аёнки, пойтахтимиз янада кўркам ва обод бўлади, эртага фойдаланишга топширилажак бинолар унинг чиройини очади.

Ана шундай иншоотлардан бири Беруний кўчасида қад рўстлаётган «Халқаро савдо маркази» биносидир. Худди шу ерда жойлашган «Алпомиш» спорт саройининг бутунлай қайта таъмирланиши ва ўз қиёфасини ўзгартириши «Ўзбексавдо» буюртмасига асосан амалга оширилмоқда.

Айни кунларда ушбу қурилиш майдонида пойтахтимиздаги «12-трест» ҳиссадорлик жамиятининг 49-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ёзгини қуёшли кунлардан унумли фойдаланиб меҳнат қилишмоқда. Шу билан бир қаторда 15, 65, 77-қурилиш бошқармаси, 2-қўма механизация колоннаси

лаётган қурилиш материаллари эса бунёдкорлар ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Шуниси қувонарлики, «Халқаро савдо маркази»нинг қуриб битказилиши иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлади, хорижий шериклар билан алоқаларни янада мустаҳкамлайди ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқишига ёрдам беради.

Наргиза ОТАХОНОВА. СУРАТЛАРДА: 77-қурилиш бошқармаси ишчиси Собиржон Аҳмедов (пастда) ҳамда 15-қурилиш бошқармаси ишбосиши (чапдан) Файзулло Сайдуллаев, 77-қурилиш бошқармаси ишбосиши Шерзод Эргашев ва Холмирза Аҳмедовлар қурилиш-тиклаш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Сергей Любич олган суратлар.



Махсус «Оқшом» учун

Ирода ТЎЛАГАНОВА:

«ЎРЗУМ АМАЛГА ОШДИ»

Кунни кеча шаҳримизда яқунланган «Tashkent open» халқаро аёллар теннис мусобақалари жуда муваффақиятли, чиройли беллашувларга бой, ташкилий жиҳатдан пухта тарзда бўлиб ўтгани сир эмас. Бунини теннис ривожига қўшаётган улкан ҳиссаси, ушбу турнирнинг муваффақиятли ўтишига барча шарт-шароитлар яратилгани учун мусобақа ташкилотчилари — Sanex WTA TOUR мутасаддилари, ҳакамлари, ўйинчилар номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими йўллаган миннатдорчилик мактублари ҳам яққол исботлаб турибди. Айниқса, яқна тартибдаги спортчилар ўртасида ўзбек аёллар теннисининг «гавҳари», нобб иктидор соҳиби Ирода Тўлаганованинг юксак зафар қулиши ҳамюртларимиз дилидаги айни мулдоо бўлди. Турнир яқунланганидан сўнг Ирода Тўлагановани суҳбатга тортдик.

— Ирода, авваламбор эришган юксак ютугингиз билан кизингизни кутаймиз.

— Раҳмат, ўз уйимда галаба қозонганимдан, ўз куч-маҳоратимнинг тегишли даражада эканини исботлай олганимдан бошим осмонда. Мен ушбу галабамдан муносибларим билан дадам ва онамнинг хурсандчилиги бекисиб бўлганини кўриб қувондим. Финал ўтказиладиган кунни уйқудан уйғонганимда «Интернет»даги саҳифамга қараганимда ота сўзи битилганига кўзим тушди. Ва шу кунни бутун куч-маҳорату малакамни ишга солган ҳолда фақат галаба учун курашганимга, кўнган зафаримни эса менинг теннисчи бўлиб шаклланишимда катта меҳнати сингган дадамга бағишлаганига аҳд қилидим.

Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, финал ўйини ҳар иккаламиз учун ҳам осон кечмади. Бироқ шунда ҳам қорда бир зумга бўлса-да галаба қозонишимга шубҳам бўлмади. Ушбу галабани жисмоний ва руҳий тайёргарлигимнинг меъаси деб биламан. Қўйин вазиятларда мени қўллаб-қувватлаб турган барча ишқибозларга катта ташаккур билдираман.

— Кейини ўзбекистонлик теннисчи қизлар сизда кўпроқ таассурот қолдиряпти, кимларнинг келажагига ишонасиз?

— Мен ҳамюртларимиздан Ойгул Омонмуродова, Варвара Лепченко, Елена Рязцеваларнинг келажагини порлоқ деб ўйлайман. Айниқса, Ойгул Омонмуродовадан кўнглим тўқ. Баланд бўйли, ҳаракатчан, тезкор ушбу теннисчи ўз устида ишласа келажақда ундан яхши теннис устаси чиқиши мумкин. Ойгул тўп ташлашни ҳам, сетка ёнига келиб ҳужумкор ўйнашни ҳам яхши ўзлаштирган.

— Келгусига мўлжалланган режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Биринчи режаим жаҳон узра энг нуфузли мусобақалардан бири бўлиши Уимблдонда ўтказиладиган Англия очик чемпионатида қатнашиш. Албатта, ушбу мусобақаларда жуфтликлар бўйича украинalik шеригим Анна Запорожанова билан бирга иштирок этаман. Кейин эса Италиядаги турнирда қатнашиш ниятим бор.

— Кечирасиз, «Tashkent open» турнирининг жуфтлик мусобақаларида Запорожанова билан бирга иккинчи ўрин билан қиёвландингиз...

— Тўғри, бунинг ҳар хил сабаблари бор. Ўйин анча оғир кечди. Ҳар ҳолда бир ҳафта давомидан Анна билан бир-биримизни жуда яхши тушуниб, тўлдириб, муваффақиятли қатнашиб келгандик. Афсуски, охириги ўйинда бошқа ўйинларда кўрсатган маҳоратимизни намойиш эта олмадик. Би-



рок, у билан ҳали-вери бирга қатнашиш ниятидаман. Анна билан бу йил учинчи мусобақада бирга иштирок этдик. Польшадаги турнирда ҳам, Франциядаги мусобақаларда ҳам, Тошкентда ҳам ҳозирча иккинчи ўринларни эгаллаб келяпмиз. Бинобарин, биргаликда галабалар қозонишимиз ҳам вақти келди деб ўйлайман.

— Мароқли суҳбат учун ташаккур. Келгусидаги турнирларда ҳам муваффақият ёр бўлишига тилақдошимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Кимико Фүжитага қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳусусида ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлатга 40 минг тоннадан зиёд дон сотиб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб муваффақиятли бажарган Хоразм вилояти ғаллакорлигига самимий табрик йўллади.

Вазирлар Маҳкамасида кичик ва ҳусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлди. Унинг қатнашчилари кичик ва ўрта бизнес учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар аҳолини муҳофама этиб, бу борадаги фойлиятни янада тақомиллаштириш йўллариини белгилаб олишди.

Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон савдо ташкилотининг «Демпингга қарши, компенсацион божлар ва ҳимоя чоралари қончилиги тўғрисидаги талаблари бўйича семинар ўтказилди.

«Экосан» Халқаро жамғармаси Республика Гидрометеорология бош бошқармаси билан ҳамкорликда Умумжаҳон кургоқчилик ва худудларнинг қўлга айланишига қарши курашиш кўнига бағишлаб давра суҳбати ўтказди.

Мамлакатимиз пойтахтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда вилоятлар, туман ва шаҳар касалхоналарининг бош шифокорлари, тиббиётнинг тор тармоқ мутахассислари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳридаги 24-«Меҳрибонлик уйи»да 12 нафар тарбияланувчининг туғилган кунини нишонланди.

Самарқандда «Ўзбекистон — Ватаним меним» вилоят қўшиқ танловининг якуний бёсқичи низоҳисига етди.

Тошкент вилоятининг «Турон» кутубхонаси қошида ташкил этилган ҳусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватловчи «Чорсу-2000» ахборот-ҳуқуқий марказида «Ҳусусий тадбиркор: қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, ижтимоий ҳимоя» мавзусида уч кунлик ўқув машғулотлари яқунланди.

Пойтахтининг Алишер Навоий номи майдонида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Енгил атлетика федерацияси ва Касаба уюмлари томонидан ташкил қилинган Ўзбекистон Олимпиадага югуриш кўни ўтказилди.

Ғафур Ғуллом номидида адабиёт ва санъат нашриётида мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндалари Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Зулфия шеърларидан сараланган тўпламлар нашр этилди.

Навоий вилоятида янги мустақил «Навоий—ТВ» теле-студияси иш бошлади.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими атроф-муҳит муҳофазасига бағишлаб уюштирган кўргазма «Оламини асранг, дўстлар!» шиори остида ўтди.

ЖАҲОНДА

Вашингтонда АҚШ Давлат департаменти ташкил этган Марказий Осиёда терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, шунингдек, Россия, Испания, Миср делегациялари иштирок этдилар.

Бугун Пекинда халқаро компьютер кўргазмаси очилди. Унда юздан ортиқ компаниялар иштирок этади.

Бугун «Катта саккизлик»нинг Япониянинг Окинава шаҳрида бўладиган саммити кун тартибидан гивандликка қарши ҳамкорликда курашиш масаласи ҳам ўрин олган. Ушбу анжуман 23 июнгача давом этади.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Эронга қилган сафари давомида мамлакат раҳбарлари билан учрашиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Ливанда барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда гивандликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кеча Ямайка ташқи ишлари вазир Пол Робертсоннинг Россияга расмий ташрифи бошланди. Унда томонлар сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларга оид қатор масалаларни муҳофама этадилар.

Чехияда тескари юрадиган соатлар ишлаб чиқарилмоқда ва бу соатлар тезда ўз харидорларини топмоқда. Антика соат ижодкорларининг таъкидлашича, бундай соатга қараган кишининг асаблари тинчланиб, руҳан дам олар экан.

Франция пойтахти атрофидаги Ле-Бурже шаҳарчасида «Евросатори—2000» халқаро курул-яроғ кўргазмаси очилди. Унда 39 мамлакатдан 820 фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кеча Шри-Ланканинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондони Сирилла Вирасунинг Покистонга ташрифи бошланди. Ташриф чоғида Покистондан Шри-Ланкага курул-яроғ етказиб бериш масаласи муҳофама қилинади.

Анкарада Туркия билан Хитой ўртасида темирйўл соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Чеченистондаги жангариларнинг асосий қисми яқин икки ой ичида йўқ қилинди. Россия қуроли кучлари Бош штаби раҳбарининг биринчи ўринбосари Валерий Манюлов журналистларга шундай деди.

БМТ жорий йилнинг 6-8 сентябрь кунлари ташкилот бош қароргоҳида «Минг йиллик саммити»ни ўтказишни режалаштирмоқда. Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари бу анжуманда қатнашиш истагини билдирди.

Татаристонда қучли довул содир бўлди. Қўллаб биноларга зарар етди. Электр линиялари ишдан чиқди. Қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

Чилида қучли зилзила рўй берди. Унинг қучи Рихтер ўлчови бўйича 5,6 баллга етди. Табиий офат ҳалокатлари ҳақида ҳозирча маълумот тарқатилмаган.

Венесуэлла парламенти биносидан портловчи модда тоғилди. Мутахассислар уни тезда хавфсиз жойга олиб кетиб, зарарсизлантирди. Ҳозир мазкур жойноат бўйича текширув ўтказилмоқда.

Бугун Голландия ва Бельгияда Европа чемпионатининг учинчи тур учрашувлари тугади. Чемпионлик учун курашни давом эттирадиган жамоалар аниқланди.

ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛГА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Иқтисодий ўқув

МАКЛЕР, МЕНЕЖЕР, МАРКЕТИНГ

МАКЛЕР — инглизча сўз бўлиб, уни айрим соҳаларга хос равишда брокерлар ҳам деб юритишади. Уларнинг вазифаси фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирмалардир.

Маклер ёки брокерлар бевосита товарларни кўрмай битимлар тузади. Бироқ товарни тўғри харидорга юнатиш ва икки тарафнинг тақлиф-истакларини аниқ қилиб бир-бирига баён этади.

Айрим йирик брокерлик жамиятлари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади. Баъзи ҳолларда уларни кредитор бўлиб, битимлар бажарилишига кафилилик ҳам ўз бўйинларига олади.

МЕНЕЖЕР — бу сўз ҳам инглизча бўлиб, маъмурий-хўжалик раҳбарлиги соҳасида маълум мустақилликка эга бўлиб, уларнинг роли ортди бормоқда. Бозор иқтисоди шартларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини уюштиришда асосий роль ўйнайди.

МАРКЕТИНГ — соҳасида ёки бўлимида ишловчилар асосан бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йўсинда яхши фойда топишни уюштириш. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг тўғрисида бозор билан узвий боғланишлар, ишлаб чиқариш манбалари бозор талаб товарлар яратишга қаратадилар.

Мен ёгонча гул солиш ва ўймакорлик билан, яъни хусусий тадбиркор бўлиб фаолият кўрсатаман. Хозирги кунда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, бироқ бўлсада банкдан кредит олмақчи эдим. Бунга адашмасам микрокредит деишади. Мана шу микрокредит олишнинг йўл-йўриқлари ҳақида мутахассис маслаҳатини газетангиз орқали ўқишни истар эдим.

Одил ҲАСАНОВ, Шайхонтоҳур тумани.

Биз изланувчан ва замон талаби асосида иш юритувчи тадбиркорларимизнинг саволлари билан Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Гулнора МУҲАМЕДОВАга мурожаат этган эдик. У киши куйидагича жавобни берди:

Банкдан микрокредит олиш учун хусусий тадбиркор ҳокимиятдан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома, гувоҳнома нусхасини, туман солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтгани ҳақидаги маълумотнома тижорат банкига тақдим этиб, ҳисоб рақами очиши лозим бўлади.

Ҳисоб рақами очилгандан кейин тижорат банкига микрокредит сўраб ариза ёзади. Аризасига бизнес режа ва микрокредитни қайтариш таъминоти сифатида хизмат қиладиган мол-мулк гарови, банк ёки суғурта компаниясининг кафолати, учинчи шахснинг кафилиги, олинган микрокредитнинг қайтарилмаслик ҳавфини суғурта қилинганлиги ҳақидаги суғурта полиси ёки маҳалла, қишлоқ, овул кенгашлари кафилиги сингари таъминот турларидан бирини тақдим этиши лозим бўлади.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг банк юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркор Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича 5000 АҚШ долларига эквивалент микдорда миллий ёки чет эл валютасида микрокредитни 3 йилгача муддатга ақрадади.

Микрокредитлар куйидаги мақсадлар учун берилади:

- ◆ кичик (мини) ускуналарни харид қилиш;
- ◆ хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш қимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;
- ◆ хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- ◆ меҳнат қуролилари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш;
- ◆ халқ бадийи ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ◆ ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил қилиш;
- ◆ сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- ◆ соғлиқни сақлашни ривожлантириш;
- ◆ сайёҳлик (туризм) соҳасини ривожлантириш;
- ◆ кичик қўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Микрокредитлар илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай қарзларни қоплашга, тамакичилик ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришга, савдо-воситачилик фаолиятини амалга оширишга, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган, шахсий мулкни харид қилишга берилиши мумкин эмас.

Миллий валюта ҳисобида берилаётган микрокредитнинг 50 фоизини нақд пулга олиш мумкин. Нақд пулда олинган микрокредит ва унга ҳисобланган фоизлар банкка 1,5 йил муддатда нақд пулда қайтариб берилиши шарт.

Тадбиркорларга фақат ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт йўли билан харид қилишга чет эл валютасида микрокредитлар нақд пулсиз шаклда берилади.

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича фоизларнинг тўлови, тўлов санадидаги Марказий банк курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Асосий қарзни тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади, қарздорнинг чет эл валютасида ҳисоб рақамига маблаг мавжуд бўлмаган тақдирда — тўлов санасидаги Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўланиши мумкин.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича 10000 АҚШ долларига эквивалент микдордан ошмайдиган ҳажмида миллий ва чет эл валютасида шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатда микрокредитлар берилади.

Фақат деҳқон ва фермер хўжалиқларига микрокредитларнинг 50 фоизигача микдорини аҳолидан чорва моллари, парранда ва қўчаларни сотиб олишга, 1,5 йилгача бўлган муддатда қайтариш шарти билан, нақд пулда берилишига рухсат берилади.

Микрокредитлар олиш учун кичик бизнес субъектлари банкка кредит буюртмаси, бизнес-режа, охириги ҳисобот санасига молиявий ҳисоботларини ва олинган микрокредитнинг қайтарилиши таъминоти турларидан бирини тақдим этади.

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорларнинг кўп қисми кредит олиш ва банкнинг бошқа хизмат турлари ҳақида ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Шуларни ҳисобга олган ҳолда шаҳар тижорат банкларида ҳодимларимиз иштирокида кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарлари билан уларни қизиқтирган долзарб муаммолар хусусида тўғридан-тўғри мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш доимий йўлга қўйилган. Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасида ташкил этилган «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишлар мониторинги ва таҳлили» бўлимининг махсус «Ишонч телефони» муттасил ишлаб турибди. 152-39-03 рақамли ушбу «Ишонч телефони» орқали тадбиркорлар кўтарган ҳар қандай муаммо зудлик билан ҳал этилишига эришиляпти.

Тадбиркорлик



«ПАМИР-ШАЙХ» ҚАНДОЛАТЛАРИ

Ширин печенье ёки бошқа қандолат маҳсулотларини ёб кўргангизда бундай қандолат маҳсулотлари қаердан келтириляпти экан, деб ўйлаб қўришингизга асло шак-шубҳа йўқ. Зеро, бу қандолат маҳсулотлари ўзинида Ўзбекистон — Ҳиндистон — Америка давлатлари тадбиркорларининг ҳамкорлигида ташкил этган қўшма корхонаси «Памир-Шайх»да ишлаб чиқарилмоқда.

— Иш юзасидан кўп жойларда бўлганлигим боис, ҳар қил одамлар орасида мулоқотда бўлиш билан бир қаторда оқватлашга ҳам тўғри келарди. Ана шу кезларда қандолат маҳсулотларининг турли хилдагисини татиб қўриб, юртимизда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйган эдим, — дейди Ўзбекистон томонидан директорлик вазифасини бажарувчи Акмал Маҳмадов. — Бунинг учун кўп изланишга, ҳамкорлар орттириб, тадбиркорлар билан бамаслаҳат иш юритишга тўғри келди. Наттижада 1994 йили Низо

жамгармаиз 150 АҚШ долларига тенг келган ҳолда улуш қўшиб иш бошладик. Қандолат маҳсулотларидан печенье, тортлар, кекслар, вафлилар ишлаб чиқаришни бошлаб, «Памир-Шайх» қўшма корхонасини туздик. Айни вақтда бу корхонамизда қандолат маҳсулотларидан ташқари хорижда тайёрланган писта ёғини қадоклаб, аҳолига улгуржи савдо йўлида сотаямиз.

Корхонамизда 200 нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминланган. Аҳолининг талаб ва истаги, қолаверса ички бозорни ўрганиб иш тутганлигимиз боис ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларимизнинг тури 20 тадан ошди.

Ишлаб чиқарган қандолат маҳсулотлари ва қадокланган ёғларнинг намуналари билан

Саноат
ИМКОНИЯТЛАР
ЕТАРЛИАлександр ИВАНОВ,
Сергей туманидаги
«Новатор» ишлаб
чиқариш корхонаси
бош мутахассиси:

— Юртимизда тадбиркорлик билан иш юритиб, жаҳон бозорига йўл олиш учун кенг имкониятлар яратилган. Албатта, бунинг учун тинмай изланиш, ўзига хос бўлган тадбиркорлик соҳасидаги ва унинг йўлида турган говларни енгиб ўтиш лозим. Бу борада Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилаётган Фармон ва Қарорлар мулкчиликни, кўпроқ хусусий тадбиркорликни, айнқсас ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишга қаратилганлиги айтиш мумкин.

Корхонамизда ўзига хос маҳсулотлар чиқарилиши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, бу маҳсулотларимиз авто-трактор двигателлари учун поршенлар, электр ускуналар учун эмаль симлар, автотрактор двигателлари гуруҳларини комплектация-лайдиган гильза-поршенларидир. Бу маҳсулотларимиз билан нафақат юртимиздаги харидорлар, балки Хамдустлик мамлакатларидаги ишбилармонлар ҳам қизиқиб, буюртмалар беришмоқда.

Ўтган йиллардан бошлаб юртимизга Америка давлатидан келтирилган «Камминз» тракторларининг двигателлари учун поршенлар ишлаб чиқаришни ҳам жорий этдик. Бу ишмиздан, албатта иқтисодий жиҳатдан оз бўлсада фойда келтириб, эҳтиёт қисмларни етказиб бермоқдамиз.

Биз ишлаб чиқариш тизимимизни янада кенгайтириш, маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш тарафидан қилаётиб. Бунинг учун етарли имкониятларимиз мавжуд. Айни вақтда инвестициямиз ҳажми 1 миллион АҚШ долларига тенг. Йил давомида 500 тонна чузма миш; 50 тонна алюмин ишлаб чиқариш қувадига эгамиз. Корхонамизда металл кесувчи ва контр-роль-ўлчов дастгоҳлар мавжуд. Ишлаб чиқариш майдонимиз 1500 квадрат метр, шунга монанд 260 квадрат метрли омборхонамиз ҳам мавжуд. Энг асосийси, маҳсулотларимиз экспорт даражасида бўлиб, барча талабларга жавоб бера олади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бизларга ҳам яна куч-қайрат бэхш этди. Чунки экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона сифатида ва мулкчиликнинг қай шаклидан қатъи назар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқарилганлиги учун имтиёзларини яратилишининг ўзи бизга катта мадд бўлади.


«ЎЗ ЭКСПО» савдо кўргазмасида ҳамда IV Тошкент савдо-саноат ярмаркаларида иштирок этиб, ўзимизга қўллаб ҳамкорлар топишга ва янги-янги шартномаларни имзолаш имкониятига эга бўлдик. Изланиш ва сай-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда. Ўтган олти йил ичда Низо

жамгармаиздаги микро 1 миллион АҚШ долларига етди. Ишчиларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш кенг йўлга қўйилди. Мана шу олган даромадимиз ҳисобиға янги ишлаб чиқариш цехини қуришга ҳам киришдик. Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги олдиндан бу цехни ишга тушириш ниятидамы. Агарда цех тўла қувват билан иш бўлса унда 400 га ққин ишчи-хизматчи иш билан таъминланади.

Тайёрлаётган ва қадоклаётган маҳсулотимизни жаҳон андозаси даражасида деб билиб, яна изланиш ва рақобатбардор қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қилаялмиз.

Гули АБДУЛЛАЕВА,
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон томонидан корхона директори Акмал Маҳмадов янги шартномаларни кўздан кечирмоқда; тайёр маҳсулотлар.

Сергей Любич олган суратлар.

КАСБИМДАН
ФАХРЛАНАМАН

Халқимизда «Дарахт бир ерда кўкаради» деган ибратли ибора бор. Бунинг инсонларга, уларнинг ишига киёс этадиган бўлсак, бу одамнинг бир жамоада уни-ўсиши, ҳамкасбларининг ҳурмат-этиборига сазовор бўлиши, қасбини ардоқлагани боис эл назарига тушиши демакдир. 25 йилдан буён «Ўзкимёфарм» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятида меҳнат қилиб келаётган Қобил Зоиров ана шундай ўз ишига ва жамоасига садоқатли инсонлар сирасига қиради.

Қобил Зоиров меҳнат қилаётган жамоада халқ саломатлигини муҳофаза этиш, одамлар дардига мадд бўлиш истагида дори-дармонлар тайёрланади. У ишлаётган ампула цехи эса энг масъулиятли участкалардан бири ҳисобланади. Чунки инсон ҳаёти, унинг дардини олувчи дори-дармонлар тайёрлаш ўта синчковликни, ҳушёрликни талаб этади. Цех аппаратчиси Қобил Зоиров шу масъулиятни доимо чуқур ҳис этади, ки буюмларнинг дастгоҳлар доимо ишлашга тайёр ҳолда туради.

— Инсонда ўзи бажараётган ишига меҳр бўлсагина, у мақсадиға эришади, — дейди ҳиссдорлик жамияти раиси Сайдулла Асатов. — Қобил Зоиров шундай ишчиларимиздан биридир. Тўплаган тажрибаси, пишиқ-пuxта ишлаши, ҳамкасбларига муомаласи ва айнқсас ҳиссдор сифатида мулкка муносабати ёшларимиз учун ибратдир.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида Қобил

Зоиров ҳам «Шўхрат» медали билан тақдирланган эди. Мукофот уни янада баракалроқ ишлашга, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшишга ундади.

— Меҳнат қилган қадр топади, деганларини ўз мисолида қўриб турибман, — дейди Қобил ака фахр билан. — Албатта, мени қувонтирадигани юртимиз мустақиллиги йилларида ушбу мукофотга сазовор бўлганимдир. Ниятим она юртим равнақиға, мустақилликни мустаҳкамлашға ўзимнинг яхши меҳнатим билан улуш қўшишдир. Айнқсас, мамлакатимиз ривожига йўлида тинмай қайгураётган ҳар бир инсоннинг соғлом бўлиши жуда муҳимдир. Зеро, аҳоли саломатлиги юрт қамоли ва жамолида ўз аксини топади. Шу боис ҳам қилаётган меҳнатимдан, одамларға фойдам тегатганидан янада руҳланиб ишлайман.

Дилноза ИЛЁСОВА,
Рустам Шарипов олган сурат.

СУНЬИЙ ИНШОТЛАРИМИЗНИ
АСРАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

Замонавий тараққий топган шаҳар қиёфасининг асосий элементларидан бири, бу — сунъий иншоотлардир. Уларнинг таркибига автомобиль йўл кўприкларини, йўл ўтказгичлар, шунингдек, транспорт тоннеллари қиради. Айнқсас, кейинги 9 йил мобайнида Тошкент шаҳрида қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Масалан, кўприкларни олайлик, пойтахтдаги Анҳор, Октепа, Бўзсув, Қорақамиш, Жарарик, Қалқовуз, Салор ва яна бошқа бир қанча каналлардаги гўзал кўприклар ўзига хос конструкцияларга эга. Сунъий иншоотлар шаҳримизнинг қурилишига янада жозиба бэхш этиб турганлигиға ҳам эътибор бериш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пойтахтимизга гўзал қиёфа бераётган замонавий қурилишлар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан вужудға келаяпти. Улар қаторига яқинда улўғвор қад ростлаган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳам қиради. Мажмуанинг асосий таркибий қисмларидан бири — иккита кўркам кўприк ёдгорлик архитектурасига янада чирой қўшиб турибди. Умуман олганда, ҳозирги пойтахтимизни автомобиль йўллари, кўприклар ва транспорт тоннелларисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Албатта, мазкур сунъий иншоотлар доимий ва хатарсиз равишда хизмат қилиши учун уларни муайян ҳолатда сақлаш зарур. Бу ишларнинг барчасини «Сунъий иншоотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш» бошқармаси амалға оширади.

Бошқарма кўприкларни, йўл ўтказгичларни ва бошқа сунъий иншоотларни маълум бир даражада сақлаш билан бирға, уларнинг устидан назорат ҳам олиб боради. Бошқармада юзлаб ишчилар самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳар бир иншоот санитария ва

техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб бериши керак. Айнқсас йилнинг қиш, куз, баҳор фаслларида мазкур иншоотларнинг техник хавфсизлигини таъминлаш ишлари катта аҳамиятга эга.

Афсуски, сунъий иншоотлар иш фаолиятига зарарли таъсир кўрсатаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу борадаги муаммолардан бири — баъзи ер ости пидедалари ўтиш йўлларида учраб турадиган тижорат дўконларининг бўлишидир. Гап шундаки, ер ости ўтказгичлари ўзининг техникавий стандарт ўлчовларига эга бўлиб, мазкур дўконлар ўрнатилиши натижасида кичиклашади ва йўловчилар юришига ноқулайликлар туғдиради. Муаммолардан яна бири — сунъий иншоотлар ёнидан ўтадиган коммуникациялар, сув ўтказгичларнинг қаровсизлигидир. Ҳаммаға маълумки, ер ости иншоотлари ёнидан сув ўтказгичлар ва оқова сув тармоқлари ўтади. Уларнинг ишдан чиқиши ёки ёрилиши эса ер ости иншоотларининг ҳам ишдан чиқишига олиб келади. Бошқарма юқоридаги муаммоларни тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этишға ҳаракат қилмоқда. Бизнинг амалға оширилган сай-ҳаракатларининг ижобий натижалари етарли даражада бўлишиға ишонгимиз келади. Бунинг айтишдан мақсад шаҳар идораларининг уйғунлигида ишлашининг самарали томонларини яна бир бор таъкидлаб ўтишдир. Умид қиламизки, сунъий иншоотлардаги тартиб ва интизом фақат бошқарма ишчи-хизматчилари зиммасига юкляниб қолмай, балки фуқароларимиз ҳам юқори даражада маданиятли эканликларини кўрсатадилар. Зеро, ҳар бир инсон ўз касбияга, Ватаниға меҳр қўйиб хизмат қилса, гўзал Тошкентимиз ҳусниға янада ҳусн қўшилади.

Шахло МАХМУДОВА,
муҳандис-дастурчи.

«Оқшом»ға хатлар

«ҚИЙНАЛИБ КЕТДИК»

Биз Юнусобод туманининг Гиссар қўчасида истикомат қиламиз. «Оқшом»ға мактуб йўллашимиздан мақсадиниз шунки, шу қўчада яшовчи аҳоли ёрдамға ниҳоятда муҳтож. Чунки бу қўчада сув таъминоти ниҳоятда ночор аҳволда. Ушбу қўчаға сув ўтказгич қувурлари 1959-60 йиллари ўтказилган бўлиб, бугунги

қўнда аҳоли эҳтиёжини мутлақо қондирмайди. Айнқсас, ёз ойларида сув босими жуда пасайиб кетади. Охириги 10 йил давомида сув хўжалиги раҳбарларига жуда кўп бора мурожаат этган бўлсакда, эътиборсизлик тўғрисида арзларимизға жавоб бўлмапти. Бунинг устиға қўчамизда кеч тушиби билан умуман юриб

бўлмайди. Чунки уч ойдирик, бизнинг қўча кечкунун ёритилмапти. Мутасадди ташкилотлар эса арзларимизға бепасанд қарашмоқда. Бу ҳол қанчогача давом этади. Балким газета орқали чиққан арзимиз уларни лоқайдликдан уйғотар.

Эркин АСАТОВ,
маҳалла фаоли ва яна 21 имзо.

Кўргазмалар

УЛУҒ ШОИРНИ МАДҲ ЭТАДИ

Беш асрдан зиёдрок тақдир бери авлодлар тилидан тўшмай келадиган оташнафас шоир, адиб ва олим Захриддин Мухаммад Бобур ижодиёти бебаҳо маданий меросга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида таъриф буюрсангиз, бу бой ижодиётнинг қатор дурдоналари билан яқиндан танишасиз.

Музейнинг катта бир зали шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. Бу ерда буюк ижодкорнинг ҳайкали яқол қўзга ташланиб турибди. Унда шоир сиймоси тўлалигича намойиш бўлган.

Ҳайкал бўёқли суратлар, тарихий ҳужжатлар, нашрлар, Бобур тўғрисидаги қизиқарли экспонатлар янглиғ киши эъти-

борини ўзига тортади. Текстуал материаллардан бирида Хиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жаҳоҳарлал Нерунинг «Бобур дилбар шахс, ўйғониш даврининг тилик ҳукмдори» деган сўзларни ўқиш мумкин.

Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари билан боғлиқ экспонатлар ҳам анчагина. Улуғ сиймонинг бу мемуар асарининг 1960 йилда нашрга тайёрланган ноб нусхаси шулар жумласидандир.

«Бобурнома» расмлари, альбому ҳам томошабин эътиборидан четда қолмайди. Ундан ўрин олган расмлар XVI асрда Бобурнинг набираси Акбаршоҳ саройида яратилган эди.

XVIII асрда қўйрилган Бобурнинг «Мубаййи» асари қўлбаси нусхаси ҳам ноб экспонатлардан бирига айланиб қолди.

Бобур ҳақида ҳикоя қилувчи

тасвирий санъат асарлари билан ҳам шу залда танишиш мумкин. Рассом Ф. Сайдалиева «чизган» «Бобур портрети», Хиндистонда ишланган «Бобур портрети» асари фотонусхаси, «Бобур тасаввурда» — Фарғона» деб номланган харита, «Юлдузли тунлар» романига чизилган рангли суратлар ҳам музейга қўйилган.

Буюк шоир таваллудининг 500 йиллиги ва бошқа муҳим саналар муносабати билан чиқарилган нашрлар нусхалари, тортиқ қилинган турли эсдалик совғалар ҳам экспонатлар янглиғ намойиш қилинмоқда.

Бобур таваллудининг бу йилги санаси муносабати билан музейга тақдим қилинган турли нашрлар, расм ва буюмлар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Акбар АЛИЕВ.



Бахтингиз гулдек очилсин.

Шифобахш неъмат ЎРИКНИНГ ХОСИЯТИ

Ўлкамизда айни пишиққилинган даври. Турфа қўрғинидаги ноз-неъматлар каторида ўрик нақ қўймага етиб пишиган палла. Ўрикни бекорга «саломатлик ёмбиси» деб атамайдилар. Дарҳақиқат, ўрикнинг хосиятларини санаб интихосига етиш қийин.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда, Хиндистоннинг шимолий вилоятларида хунза деган элат яшайди. Бу қабила аъзоларининг асосий озиқаси ўрик ва ўрик маҳсулотлари ҳисобланади. Олимлар ақлнинг қизқирадиган нарсаси шундаки, маъжур қабила аъзоларининг ўртача умри 100 йил атрофида бўлиб, улар ўзларининг чағдастлиги, яъни, саломатликлариининг бекушонлиги билан ажралиб туради. Бевоқифият бу элат орасида ҳаёт кечириб, чуқур илмий-тадқиқотлар олиб борган олимларнинг талқин қилишича, бундай чинорёшга қиришнинг сабаби серхосият ўрикдан атрофдаги озиқланиш ҳисобланади.

Табии замон, ҳақиму ҳозир Абу Али ибн Сино, Дискоридус, Букрот ҳақимлар ўрик олданин аъзои раисаларига ижобий таъсир кўрсатишни кўрсатиб ўтган эдилар. Халқ таъбаоти амалиётида ўрик, туршак, баргак шу жумладан ўрик шарбати юрак хасталигида, ҳафаконликда, қон босимини пасайтиришда даво сифатида тавсия этилади. Ўрикнинг шарбати кишига дармон бағишлайди қабзят азиятига хотима беради. Мевапар асосида тайёрланадиган чули (компо) ўт сукулибегининг акралишига ижобий таъсирини кўрсатади. Кишининг ҳаяжонланганлигига барҳам беради, ноҳуш кекиришдан холи этади.

Тиб илмининг билимдони Мухаммад Хусайн ибн Мухаммад ал-Оқили ўзининг «Маъжан-ул-адвийя» китобида ўрикнинг хосиятларини санаб ўтган.

Ўрик ва ўрик шарбати замонавий тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, 100 қадок ўрик 250 қадок янги жигдорнинг қувватини беради ва қон ҳосил бўлишида фаоллик кўрсатади. Сарғил ўрик ва ўрик шарбати пархез таом сифатида гипо-ва авитаминозлар билан оғирган болаларга тавсия этилади. Ўрик, туршак, баргак ва ўрик шарбати ҳомилдор аёлларга ҳамда юрак қонтомир тизими хасталиклар билан оғирган беморлар учун жуда фойдали ҳисобланади.

Дагмар Ланска ўзининг «Ўрмон ва ползид боҳордан қишгача» китобида берган маълумотларига қараганда биз, йилга 2,5 қараграмми миқдорда ўрик ва ўрик маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб туришимиз лозим. Шунда аъзои раисалар бекушон, саломатлигимиз жойида бўлади.

Ўрикнинг бунчалик серхосиятли эканлиги унинг таркибиде маъжуд бўлувчи шифобахш моддаларнинг маъжуси билан тушунтирилади. Жумладан ўрикнинг меvasи таркибиде 80 фоиз атрофиде қанд, 2,6 фоиз гача органик кислоталар, чунончи фолат жавҳари, пектин, крахмал, каротин (бу модда тукум сарингидан ҳам кўпроқ бўлади), С, В1, В2, В15, Р дармондорилари ҳамда салмақли микдорда калий, темир, мис, кальций, магний, маъдан тузлари бор.

Хозирда айни ўрик пишиган паллада уларни териб олиб муқомлаш, қириқлар тайёрлаш, шарбат ва чулларни тайёрлаш фойдадан холи бўлмайди.

Маннон НАБИЕВ,
доррушнос олим.

Хар ҳафтада тўрт кун, тун ўз ҳукмига киргач, ним яшил рангга бўялган кўча эшик маълум бир вақтда ғийқиллаб очилади-да, ўрта ёшлардаги истараси осилкина аёл чиқади. Кўчага чиққан у йўлқанин шундоққина четидеги симёғочда ёниб турган чирок тағида атрофга аланглаб бир озгина туради. Кўча боши тарафга аста-аста юра бошлайди.

Кўчанинги икки тарафи қаторасига етган бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган ўрта-миёна иморатлар. Эгаларининг дидлари ва имкониятларини намойиш қилгандай, бир илга тизилгандек қатор қўқайган. Хар бир деразадан кўчага ёғду таралади. Аёл кўчаларини гоҳ у деразага, гоҳ бу деразага қадаб ўйчан, шовилмайгина қадам босади. Унинг шовилишига ўрин йўқ. Кўча бўйи вақти қанчалик тизилган бўлсин, унинг бу соатларда у бўш. Унинг учун ҳордиқ онлари бу. Ёзи билан қизи институтга киришга ҳаракат қилди, лекин кўнгузига киролмади. Билади — қизининг илми яхши. Ҳамма имтиҳонлардан ўтди негадир иншоодан йиқилди. Ёзма ишчи олиб текширтириб қўришганим ўйлади — иккига ёзмалигига ишончи қомил эди-да. Лекин бўлмади. Йиқилганини эшитган қизи ҳужжатларини бир йўла қайтариб олиб келибди. Мана энди кечкида ўқияпти. Уйда ҳамма бир бўлди, ўзи бир бўлди. Ахир қиз боланин кечки ўқиши ўзи бўладими. Жаҳл устида дадаси бирон марта ҳам кечаси чиқиб кутиб олмаслигини айтиб солди.

— Ҳа, эпласангиз ўқитинг. Ўзу кун ишлаб, чарчаб келиб, кечаси яна ҳаллослаб кўча кезмайман! — деди у.

Хонадонда ҳамма биладики, отанинги гапи — бир.

Шу-шу ўқиш кўча бошига хар гал аёлнинг ўзи чиқади — ўғиллари чиқмоқчи бўлганда йўл беради. Кеч қоронғисиде уларни кўчага чиқариб юбориб, хавотир олиб ўтиргандан кўра ўзи чиққани афзал.

Хар кўча маълум бир вақтда, кўчаларда одамлар сийраклашиб, ишдан, мактабдан қайтадиганлар қайтиб, баъзилар бир ўқунчи олиб бўлган бир чоғда кўчага чиқади аёл. Сешанба, шанба ва яшанбага бундан мустасно. Негаки қизи ўқийдиган университетда — кечки факультетда бу кўчаларда дарс йўқ. Хар кўча бирдай, кўчанинги икки томондаги деразаларни томоша қилиб аста боради. Назариде хар бир иморат, унинг қандай қурилишидан тортиб, деразаларидаги дарпардаларигача уй эгаларининг таржимаи ҳолидан — имкониятларидан ҳикоя қилаётгандай.

Мана бу пойдевори бўй баробар қилиб олинган, эшитишдан тортиб, оқ тунуқадан ясалган, қарнай нусха қилиб ергача туширилган тарновигача жимжимдор қилиб ишланган мулоқидидаги уй Зибвуддин отғўштиники. Унга неча бундай лақаб қўйилганини аёл билмайди. Лекин бир нарсаси ишончи қомилки, бу оқ уй ола баргак ҳалоллик билан бино бўлмаган.

— Бу уй эмас, пивонинг кўпиги, — дейишди кексалар уй эгасининг пивофурӯшига шавма қилиб.

Зибвуддин отғўштининг рўпарасидаги ҳовли Акмал аканики. Қарама-қарши турган бу икки иморатни икки оламга ўхшатади хар доим аёл. Математика ўқитувчиси бўлиб йигирма йилдан зиёд шу маҳалладаги мактабда ишлайдиган Акмал аканинги уйи нимаси сўқулдиган эгасига ўхшайди. Камтарин, камсўқулгина киши Акмал ака. Уйи ҳам пастакина, безаксиз, аммо ўз қўли билан йилда

бир марта оқлаб қўйгани учун озодалиги билан ажралиб туради.

Тўрт йилдирки, чорраҳада кутиб олади аёл қизини. Шу йиллар ичиде у қўни-қўшинларини яқинроқ таниб олгандай. Қизик, ҳамманинги гапи савиясига, билимига, дунёқарашига, феълйига монанд бўларкан.

— Ҳа, пошша, илми урфон азобида юрибсизми? Қўп яшанг... яхши иш қилаясиз. Қўп кетиб ози қолди... Минг раҳмат... Кани эди ҳаммаим сиздай ўйласа... Сиздай йўл тўтсайди, — деб қўяди Сатторхон амаки ҳасасини дўқиллатиб ўтиб кетатуриб. Ўтиб кетган жойида орқасига қайтади... Ҳасасига таъанганча гап маъқуллайди. — Ўқийдиган замон келди. Ўқинганга нима етсин. Тўғри қиласиз ўқитиб. Кечаси экан-ку... Одамлар чет элларда ўқияпти. Пайғамбаримиз ҳам айтган эканлар, Чинга бориб бўлса ҳам илм ўрган, деб... Мана бизнинг отин ҳам сиздака...

ЧОРРАҲАДА

(Ҳикоя)

бир амаллаб ўқитиб олди болаларини. Биласиз, каттаимиз доктор — болаларни кўради... Маҳалланинги қорига яраб турибди хар ҳолда, Сайёрахон мураббиги, хабарингиз бор у маҳалла боғчасида ишлайди. Кенжамиз коллеж деганида ўқияпти — унис хунарманд бўларкан... Хуллас, фарзандлардан кўнгил тўқ. Энди бу замонда фарзандларга қолдирадиган меросимиз, илм билан хунар бўлиб қолди. Илми, хунари бор кимса хар қандай замонда хор бўлмайди... — ўз гапини ўзи маъқуллайди отахон ва хайр-хўшлашиб кўчасига бориб кетди. Тун сукуна-тида ҳасасанинги дўқиллаши анчагача эшитилиб туради...

— Вазираҳонимиз? Вой ўлмасам, аллапаллада кўча бошида шумшайиб турган ким бало десам сиз экансиз-да... Яна қизингизни кутгани чикдингизми? Бу нима азоб? Шунчалар қийналиб ўқитиб зарил келдимиз сизга? Қиз болани ўқитганингиз билан шаҳар олиб берадимиз сизга? Қиз бола биронинг хасми, пир элади — уцади-кетди... Қоласиз бошингизни чангаллаб... — шангиллади тўстадан пайдо бўлган қўшни хотин. Унинг шангиллаган овози, айтётган гаплари аёлнинг юрагига қаттиқ тегди, аммо ўзини бо-сигина деди:

— Қизик одамсиз, гапим малол келадими, йўқми демайсиз... Орқа-олдингизга қарамай гапираварасиз...

— Тўғри гапининг тўқмоғи бор, дегани роставан. Вой тавба... Нега малол келди... Мен сизга ёмон гапирдимми?.. Сизга ачинганимдан гапирдим-а...

Унинг сўнгги сўзи аёлга қаттиқ ботиб кетди:

— Менга неча ачинаркансиз? Мен учун бу оқшомги бир сайри-томошадек нарса... Мен эмас, сизнинг аҳволингиз ачинарли... Шу келишда... Шу келишда... Ярим кечанда болангизни эргашириб қайқан келаясиз? Ҳа, уйқудан қолдирангиз бола бечорани, худ билисин, дарсини ҳам тайёрламагандир хали...

Бошқа вақт бўлса аёл бу гапларни гапириб ўтирмасди-ку-... Аммо шу топда қўшини унинг қитиқ патига тегиб қўйган эди-да.

Икки оғир сумкани ихрай-ихрай қўтариб келётган қўшни хотин бир сесканиб кетди, қўзлари аланг-жалаң бўлиб кетди, шарақлатиб сумкани ерга қўйди.

— Юзингда қўзинг борми демай гапир-ишзиз... ўзимдай бўлса нима бўпти... Менга нима қипти? Женотдельман деб гапираву-

расизми нукул... Ордона қолгур... Бўзчи билганини тўқийди — манам тирикчилигимни қилиб юрибман. Ҳамма қатори бизнес қиётман. Бир жойда ишламасам сиздан кам жойим йўқ...

— Тўғри гапининг тўқмоғи бўлади, деб эдингиз-ку хозиргина ўзингиз, қўшинжон... Тўғри гап тўққанинги ҳам ёқмайди, деган гап ҳам бор. Гапирмоқчи эмас эдим-ку, лекин ўзингиз тилимни қичитаясиз. Катта ўғлингиз-ку, кўрадиган қўшини кўрди, шўрлик — болангизга жуда ачинаман. Уни-ям йўлдан адаштирган, аввало ўзингиз бўлган эдингиз... Энди бунисиниям йўлдан чиқариб қўйманг тагин демокиман-да. Болангиз зехли — ўқийдан қолдирманг, демокиман...

— Вой, сендака қўшини худо кўтарсин-а, — дея шангиллаганча йўлга тушди қўшни хотин. Орқасига ўгирилиб ўлига ўшқирди.

— Намунча имиллайсан, жувонмарг... Сени деб шунча маломатга қолдим-а, балонинг ўқига йўлиқур... — кейин овозини пасайтириб вишллади: — шунча лаганинги синдириб ўйимни қўйдириб ўтирма, яшашмагур... Қўшни хотин узоқлашиб кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам, унинг шанги овози эшитилиб турди...

Кўнда шундай. Баъзида кўча бошига етар-етмас, баъзида кўча бошида, баъзан эса чорраҳада қаршидан бир қиз чиқади, шаҳдам-шаҳдам, худди парвоз қилаётгандай енгил одимлаб келади, онасини қўриб суюниб кетади, югура келиб қўчқоқлаб олади, юз-кўзидан ўпада.

— Нима қиласиз-а, овора бўлиб, ойижон, — ўпкалагандай дейди қиз. — Ёш боламидим...

Нозик-ниҳолгина, оппоққина қиз электр шуъласида янада оппоқ бўлиб кўринар, шаҳло кўзлари порлаб турган қиз шу кўчаларда уф бўлган, тиззадан қўйи юбка ва хипчагина беллини қўчқинига бел устида турадиган калта костюмда. Ўнг елкасига осиллиқ сумкасига сиймаган катта-катта китоблари қўлтиқда...

— Ёш боламидим... — такрорлади қиз. — Ишдан чарчаб келгансиз, овора бўлиб юргандан кўра дам олсангиз бўлмайдингизми? Кўчани кўринг, кўнгуздай ёғур. Автобус университет эшигидан оёғимизни ерга теккизмай нақ маҳаллага келтириб қўйса...

Дарҳақиқат, улар кесиб ўтаётган Фарҳод кўчаси кўнгуздай ёғур, дарҳақиқат 34-автобус тўғри шу чорраҳага — улар яшайдиган маҳаллагача келтириб қўяди. Аёл бунга яхши билади. Неча-неча бор бундан буён кўчага қичиб кутмасликка аҳд қилса ҳам барибир она-да...

Қизи қўлидаги соатига қараб, бош чайқайди ва боғия оҳанда гапини давом эттирди:

— Яна «Аҳборот»-дан мосуво бўлибсиз-да-а?.. Серил ҳам аллақачон бошлангандир?

— Серил ёқмайди менга... Ур-сур, бакир-чакир. Бу машамашлар бизга хос эмас — юрак ҳам кўтармайди. Уларни кўргандан пастина қилиб радио эшитган афзал...

Қизи билан суҳбатлашиб қайтаркан аёл, ногоҳон боя чорраҳада учратгани қўшни хотинни эслади. Наздида қўшни хотин ҳам, ўзи ҳам чорраҳада турибди. Иккови йўл бошидан туриб йўлга тушаяпти гўё. Бири фарзандига илм йўлини танлашда қўлмақдос. Иккинчиси...

Йўл бошида турган бу икки аёл фарзандини қай кўчага бошлайди? Бу чорраҳа уларнинг фарзандини қайга олиб боради... Бунга улар хали билишмайди. Бу факат яратганга аён...

Холлада АХРОРОВА.

ШАРҚ ДУРДОНЛАРИ

Оз-оз ўрганиб домо бўлиб...

◆ Кимки яхшилиқни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтиди: Қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтиди: Агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда муҳимлик кўрсатса, айбдорлардан сени оғоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

◆ Мулоимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндирилган киши ҳақиқий мактов ва олқишга лойиқдир.

◆ Ғазаб ўт олганда мулоимлик кўрсата олиш ва гурурини синдира олиш ақли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

◆ Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростўйлик.

ЖОЛИНУС.

◆ Ҳикмат бир даррахти, у кишининг юрагиде ўсади, меvasи эса тил орқали тўкилади.

◆ Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шай тутиши керак.

◆ Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

◆ Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубатало бўлган кишининг юрагига панду насиҳат фойда бермайди.

Байт:

*Ғафлат йўлида юрғувчилар насихатга қайдай қилсин,
Уйку бандаларни овоз қачон бедор қила олар?*

◆ Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Хар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини билади.

Батлимус ҲАКИМ.

◆ Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдавормаслиги, оқил киши кўнглига хар бир уй билан иш тутавермаслиги керак.

◆ Жонимни дунёга фарқ одамдай тут, фарбларни эса иззат қил.

◆ Кеманинги чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида хали у тинч кетаётган пайтда ўйла!

БОСЛУС.

◆ Одамлар интилмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузўргмеҳрдан.

— Ноксаларнинг мактовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.

— У дунё ва у дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилиқ билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат кечувчи ким?

— Шошқалок ва ўзбалирмон!

Ўзбалирмон меъмор турган бинонинг девори,

Дондо пушаймонлик ичиде бўлади.

— Зое ўтган умр калта? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.

— Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.

— Шижоат нима? — деб сўрадилар.

— Ўз сўрай олиш! — деди у.

— Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.

— Илм хунари! — деди у.

— Ким билан дўст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!

— Ақлли кишилар кимдан аҳтиёт бўлишлари керак?

— деб сўрадилар.

— Олий лаган-бардордан ва хасис бойдан!

«Бузўргмеҳр ҳикматларидан».

◆ Айтиди: Бирор кишининг аҳволида ўзгарши юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган хар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин бўлади.

◆ Бахтли кўчаларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кўчаларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

◆ Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию ёмонликдан унга нимаки етса, тангри таоллодан деб билсин, хо-ҳавасга берилмасин, ичичи ҳасаддан холи тўтсин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!

◆ Парилшонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстлардан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан ўзи ўгиришдан, тўртинчи — покдил одамларни хор тутишдан.

◆ Сўрадилар: Дўст ким?

Айтиди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарса нима?

Айтиди: Юраги қора дўст.

Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтиди: Тушга ўхшай

Бўстонликдаги оромгоҳлардан бирида дам олаётган эдик. Ярим тунда ҳонхонанинг иссиғи кўтарилиб ётолмай қолди. Унингдан туриб, ўзимча муолажа қила бошладим. Бўлмади, борган сари унинг ахволи ёмонлашди. Нима қилиш керак? Қўшни эдикнинг чертиб, ичкаридагиларни ёрдамга чакирдим.

— Тинчликми? — дейишди улар бемахалда бевозта қилганимдан хайрон бўлишди.

Бор гапни айтдим.

— Э, тўхтанг, — деди шунда уларнинг бири. — Шу ерда Шовоҳид ака, Шомамулов дам оляптилар. Ахир у киши Ўзбекистон халқ табибати академиясининг аъзоси, билимдон табиб. Шу кишига муурожаат қиламиз.

Шундай дея у югуриб кетди. Кўп ўтмай, ўрта бўй, оқ сарикдан келган 55-60 ёшлар чамасидаги бир кишини бошлаб келди. Шовоҳид ака дарҳол беморни синчиклаб кўра бошлади. Кейин аниқ бир хулосага келди.

— Кон босими ошиб кетибди. Ҳечқиси йўқ, ҳозир даволаймиз, — дея хонаси томон кетди.

Бир зумда кўлида ўзи тайёрлаган шифобахш дори-дармонлари билан келди. Беморга ярим пийлача суюқлик қуйиб ичирди. Бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, ҳамжонам кўзини очди.

— Қалай, тузукмисиз? — сўрадик ҳаммамиз бир-дан.

— Раҳмат, баягидан яхши. Хар қалай ҳуруж ўтиб кетди, шекилли.

Шовоҳид ака унга яна пийлага боғичча суюқлик қуйиб ичирди.

— Шу билан отдек бўлиб кетасиз, — деди у ҳазиллашди. — Мана бу дори сизга. Хар кунни уч-тўрт маҳал ичиб турасиз. Тамом бўлса, яна тайёрлаб бераман. Мен шу ерданман. Энди бизга руҳсат.

У хайрлашиб чиқиб кетди.

Шу баҳона у билан яқинлашиб қолдик. Кейин билсам, бу инсон бир неча йиллардан бери доривор ўсимликлардан востасида турли тоифа касалликларга қалинган беморларни даволаб келар экан. Шундан кейин бизда доимо кўзлари қулиб турувчи, шўх табиат бу инсон билан суҳбатлашиб истагани тўғрили.

— Унчалик зарурати йўқ эди, — деди Шовоҳид ака мақсадимизни билгач, бироз йиғинаиб. — Шундай машҳур устоз шифокорлар турганда менга қандайдир ноқулайроқда. Лекин шунга аҳд қилган экансиз, мен нима дердим. Сизни қизиқтирган барча саволларингизга тайёрман.

— Ўзбекистон халқ табибати академиясига неча йилдан бери аъзосиз?

— Аъзо бўлганимга анча бўлди.

— Қачондан бери доривор ўсимликлар билан шуғулланиб келасиз?

— Йигирма йилдан ошди.

— Асосан қандай касалликларни даволайсиз?

— Юрак хасталиклар, уйқусизлик, қон босими, бронхит астма, нафас олиш йўллари, ошқозон-ичак, сарик, жигар, қанд, тери касалликлари, шунингдек, бўйрак тоши безовта қилган беморларни даволайман. Соч тикилишининг олдини олиш ёки уни даволаш усули билан ҳам кўпдан бери шуғулланиб келаман. Бу хасталикка қарши тайёрланган препарат ҳам синондан муваффақиятли ўтди.

— Бу касбни ўзингиз танлаганимиз, ёки оилангизда бирор киши шуғулланганими?

— Бу ота касб менга. У киши табиб сифатида ўзгаларни даволамасларда, лекин оиламизни, энг ақинларимизни тайёр шифокори эдилар. Ўзлари ҳам оламдан

халқ табибатида қўлланиладиган дори ўсимликларни фармакологик таъсири, кимёвий таркиби чўқур ва тўлиқ ўрганилса, албатта расмий табибётда янги фитопрепаратлар вужудга келади. Бундай дейишга асос бор. Сабаби ҳозирги замон илмий табибётда ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг ақсариёти ўз вақтида халқ табибати доривор воситалар хазинасидан олинган.

— Бугунги кунда ўзбек халқ табибатида амалдагиди табибётга асос солгани ҳеч кимга сир эмас. Бу хусусда гап борганда биргина Ибн Синонинг «Тиб қонунари»нинг 600 йил давомида дунё табибёти ўқиб юртларида асосий дарслик сифатида ўқитилишини айтиб ўтишимиз ўзи кифоя...

— Сезиб турибман, буюк бобокалонимиз ватани бўлиши бизнинг мамлакатимизда табиб бугунги кун

Халқ табибати

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР — ТАБИАТ НЕЪМАТИ

ўтгунча шифокорларга бирон хасталик бўйича сира муурожаат қилмаганлар. Агар бирор хасталик билан оғриб қолсалар, ўзларини ўзлари даволар эдилар. Отам буюк бобокалонимиз, Шарқ табибатидаги асосчишу Абу Али ибн Сино асарларини кўпдан қўймасдилар. Бу китобларда буюк олимнинг ўз озага яқин доривор гиёҳларнинг хусусиятлари, уларни ўстириш ва ниҳоят бу ўсимликлардан қандай хасталикларда фойдаланиш йўллари баён этиб берилган.

— Қадимда табибати билан шуғулланган табиблар аввало беморларни мижозларига кўра даволаганлар. Сизнинг даволаш услубингиз қандай?

— Кўплаб шифобахш неъматларнинг табиати яъни, мижози табиблар томонидан аниқланган бўлиб, улар бизга қадар етиб келган. Мен ҳам даволашда кўпичинча шу йўналишдан фойдаланаман.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Халқ табибатида бўлган қизиқчи ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам қулайроқда. Бунинг боиси бор албатта. Чўчки халқ табибчилигида фойдаланиб келинган турли хил шифобахш гиёҳлар ва улардан тайёрланган дорилар организмда асорат қолдирмайди.

— Ўзбекистон турларга бий флорага эга. Ҳозирги кунда уларнинг барчасидан табибётда доривор сифатида фойдаланилади.

— Республикада турли иқлим ва шароитда ўсадиган 4200 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. Ушбу ўсимликларнинг озага яқин туридан расмий табибётда доривор сифатида фойдаланилади. Халқ табибатида эса бу рақам 600 га яқини ташкил этади. Кўриб турибдики,

табабига жавоб бера оладими, демоқчисиз? Аввало айтиш керакики, мамлакатимизда Ибн Сино ҳамгармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармон қатта воқеа бўлди. Ана шу ҳужжатда халқ табибати ривожлантириш борасида алоҳида тўғрйлиб ўтилган. Демак, мақсад аҳоли соғлиғини сақлашда халқ табибатида кенг микёсда фойдаланишдан иборатдир.

Аслида Ўзбекистон халқ табибати академиясининг фаолияти ҳам шу билан боғлиқдир. Унинг асосий вазифаси — қадимий қўлёзмалар ва «Тиб қонунари» асосида шифобахш ўсимликлар таркибини ўрганиш, уни амалиётга татбиқ қилиш ва ишлаб чиқаришдан иборатдир. Шу кўнчага 40 дан зиёд шифобахш неъматлар ўрганилди, таркиби тикланди. Лекин ҳозирча улардан фақат иккитаси ишлаб чиқаришда. Булар қандили диабет, жигар хасталикларда ишлатиладиган «Хусайин» шарбати ва «Осиё» дамамасидир. Ҳозирги кунда бу махсус лотларга тайаб катта.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Мустиқил республикамиз ҳаётида таълим, тарбия соҳасида туб бурилишлар бўлаётди. Хусусан, соғлом авлоди тарбиялашга жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламдаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ҳамда соғлом авлод дастурининг қабул қилиниши айнй муқддоа бўлди.

— Халқ табибати ҳақидаги илмий анжуманлар албатта бу соҳанинг ривожланиши учун, унинг

очилмаган қирраларини белгилаб беришда маълум даражада йўналиш беради. Сиз ҳам академиянинг аъзоси сифатида унинг томонидан ўтказиладиган йиғилишларда тез-тез қатнашиб турсангиз керак.

— Шубҳасиз. Шу йилнинг 4-5 май кўнларида Хивадаги Хоразм маъмур академиясида бўлиб ўтган «Ўзбек халқ табибати»нинг истиқболлари муаммолари»га бағишланган биринчи илмий-амалий конференцияда қатнашдим. Бунда халқ табибчилигида шифобахш неъматлардан фойдаланиш ҳақида жуда керакли гаплар айтилди. Бу соҳа билимдонларининг маърузалари тинланди.

— Келинг, илмий мулоҳазалардан аниқ саволга ўтайлик. Айтингчи, сизнингча халқ табибати янада яхшилашда нималарга эътибор қаратиш керак?

— Хар бир доривор гиёҳларнинг ўз ватани бор. Улар турли вилоят, туман, тоғли зоналар, ҳудудларга тарқаб кетган ва ўша манзиллари ёқтирилади. Тақлиф қилардимки, ўша жойларнинг ҳокимликлари халқ табибати ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳолда ўша ҳудудда қўра-тилан доривор ўсимликларини қўпайтириш ва улар парвариш билан шуғулланиш учун махсус жой ажратиб берсалар, нур устига нур бўларди. Шу билан улар нафақат биз табибчилар учун, балки соғлом авлоди камол топтириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшган бўлур эдилар.

Масалан, биргина «кидий ўт»ни олайлик. У денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда ўсади. Ўрта Осиё, Олтой ва Кавказорти даштларида қум ва қуруқ тоғларда ўсади. Бу жойларда кийди ўтнинг 22 тури мавжуд. Ўзбекистонда эса бу ўсимликнинг етти тури учрайди. Орадаги фарқ ер билан осмонча. Халқ табибатида у жуда кўплаб касалликларни даволашда қўлланилади.

— Ҳаммани қизиқтирган бир савол. Кўпчилик халқ табибатидаги хусусан, табиблар ўз даволаш усулларини ўзгалардан сир туттишди. Сиз шу масалага қандай қарайсиз?

— Тошкентдаги олти сотихли хўлим ва Фазалкентдаги 10 сотихли дала-хўлимда 40 дан зиёд шифобахш ўсимлик турларини етиштираман. Уларни нималарга шифо эканлиги ва қандай ўстирилишини ҳеч кимдан сир тутмайман. Улар ҳақида зарур тушунчалар керак бўлган ёки шифоталаб қилишларга ҳатто телефон рақамларини ҳам беришим мумкин. 42-08-48, 49-39-02. Мобель: 139-94-68.

Очиғи, юқоридаги савол қўпдан бери мени ҳам ўйлантириб келади. Ахир нега ўзимиз билган нарсани ўзгалардан сир туттишимиз керак. Бу менимча ўтакетган нодонлик ва ҳудбинчиликдан ўзга нарсас эмас. Агар биз билганимизни одамлар билса, улардан ўзлари фойдалана олсалар, нур устига нур бўлмайди. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисралари беиктиёр ёдга келади:

«Хўнари асрабон нетеъмур охир,
Олиб тупроққаи кетемур охир».

Бу сатрлар ўйламанки, ортқича изохга муқтож эмас.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

«ТИТ ДНИК»

ХАЛОКАТИНИНГ СИРИ

1912 йилнинг апрель ойида қўчиб кетган «Титаник» фожээси ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. У барча инженерлик соҳа мутахассислари иштирокида яратилган мукамал лойиҳа асосида қурилганлиги учун кема, хар қандай ҳолатда ҳам шикастланмайди, чўкмайди, — деб таърифланган эди. Яъни агар кема яқинига улкан бомба тушганда ҳам у ҳеч қачон иккига бўлинмайди, лекин амалда айсберг (баҳайбат муз бўлағи) билан тўқнашувда иккига бўлиниб кетиб, 2000 та йўловчи ҳалок бўлди.

Бу фалокатдан аввал кема-нинг тажрибали капитани Эдвард Смит нимадандир бевозта бўлиб, ўзи билмаган ҳолда кема курсини ўзгартириб, тезликни оширган. Бундан ташқари ҳалокат содир бўлганда кейин тезлик билан 505 сигнални бермай, йўловчиларга оғохлантириш командасини ҳам кеч берган. Ва шу тариха кўпчилик йўловчиларнинг қўчиб кетишига сабаб бўлган. Капитан Смит билан нимага шундай воқеа ўз берди, нега у ақини йўқотиб, ўзини бошқара олмайди, деган саволга машҳур немис тадқиқотчи олими Ф. Вандерберг ўзининг «Фирьавилар қарғиши» китобида ўзига хос аниқ далилий шарҳ беради:

«Капитан Смит кемада олиб

кетилаётган яхши сақланган фирьавн Аменхотеп IV нинг пирининг мўйёланган жасадини безовта қилиб, жасадни сақлаётган сехрли туморга қараган. Бу эса унинг ақлини шоширган бўлиши мумкин».

Дарҳақиқат капитан кўпчиликни ёнида ёғоч яшиқ ичида мўйёланган жасад америкаликларга кўрсатиш учун олиб кетилаётган эди. Бу жасад аввал Мисрдаги шўхлар водийсидаги мақбараларнинг биридан чиқарилиб, Англияга олиб келинган эди. Жасадни илоҳий туморлар доимо қўриқлаб, жасад бошида худо Осирис тасвири туширилган: тошга: «Хўсиз ётган ҳолатиндан уйғон-гил, сенинг кўзингни бир қараш сenga қарши уюштирилган барча макр, хийлалар устидан албатта тантана қилади» деган ёзув бор эди. Жасад кўзида сехрланган қақнаб турадиган илоҳий, тош бўлиб бу жасад лорд Кентервильга тегишли эди.

Кўпчилик шу ҳалокатни текширган мутахассисларнинг фикрича «Титаник» ҳалокатиға руҳларнинг, илоҳий қўчларнинг қарғиши сабабдир, деган хулоса келиб чиққан! Яна бир далилий фактға мурожаат қиламиз.

1922 йилнинг кузида инглиз археолог Говард Картер шўхлар водийсида фирь-

авн Тутанхамон мақбарасини топди. 1923 йилнинг 17 апрелида Г. Картер ва уни маблаг билан таъминлаб турган Лорд Карнаван ҳамда бир неча бошқа тақлиф қилинган олимлар мақбара ичига кирдилар. Саркофагдан ташқари бу ерда кўплаб қимматбаҳо турли буюмлар ва бошқа антиқа предметлар бор эди. Бу хали ҳеч ким очиб қўрмаган саркофаг-мақбара эди. Олти ҳафтадан кейин 57 ёшли Лорд Карнаван Кохиранинг «Континенталь» мехмонхонасида номалум сабабларга кўра тўсатдан вафот этди. Бир неча йил ичида Тутанхамон мақбарасида бўлган яна олти киши оламдан кўз юмди. Журналистларнинг ахборотиға қараганда Лорд ўлган пайдан бошлаб, Кохира шаҳрида бир неча кун электр энергияси бўлмаган. Тутанхамон саркофағи бош қисмидан лойдан асалган тахтачага шундай ёзувлар ёзилган эди: Кимки фирьавн тинчлигини бузса, уни албатта ўлим қанотлари ҳалок этади! Биз эса, яна «Титаник»ка қайтамиз. Ким билди, агар капитан Смит мўйёланган сирли жасадни кемачага олиб чиқишларига ихозат бермаганда ҳалокат юз бермасиди?

Илҳом ШЕРМУХАММАД.

Турфа олам

ФАҚАТ БИР МАРТА

Ҳозирги кунда бир мартаба ишлатиладиган дорининан барча билади... Лекин айрим нопок мутахассислар кўлида бу дорини яна бир неча марта ишлатилиб, кўп марта ишлатилган дорини яна айланади. Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг ахборотиға қараганда, ҳаюнда кўп юкумли, айниқса ОИТС (СПИД) касалликларининг 25 фоизи бир марта ишлатилган дорининан қайтадан ишлатиш натижасида қўйилган.

АҚШнинг Джон Хопкинс номидаги амалий физика лаборатория мутахассислари ва Балтимор шаҳрининг иккита табибёт корхонаси билан биргаликда арзон янги дорини ҳар қачон иккинчи марта ишлатишнинг имконияти мутлоқ мумкин эмас, чўки доринининг нина тегиши ёнида жуда ингичка тегиши бор махсус гидрогелли полимеридан қилинган митти диск ўрнатилган. Дорини яна поршениға босганимизда суюқлик бир вақтда нина тегишиға ҳам унинг ёнидаги ингичка тегиш-ка қараб йўналади. Икки дақиқадан 20 дақиқа

ичида дорини яна иккита митти гидрогелл диск ичида, нина тегишини мутлоқ беркитади.

ЧўНТАК КАРДИОГРАФИ

Германиянинг «Примедик» электрон фирмаси катталиғи шоқалда плитасидек, оғирлиги 380 граммга тенг бўлган чўнтак электр кардиографи ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Аппарат бемор кўкракка қўйилиб, аппарат экранида барча хасталиклар билан аломати чизмаси аққол кўриниб туради. Бу кардиографни хар қандай компьютерга уласа бўлади. Компьютер бир умрга беморни кардиограмма чизмасини эслаб қолади, бу эса келажақда бемор танасидаги ўзгаришларни тезда аниқлашга имкон яратди. Бу кардиограф арзон бўлиб, қозғолз, уёти чизадиған асбобға ҳолат қолмайди. Экран суюқ кристаллдан иборат бўлиб, кардиограмманинг қийшқил қийшқил шифокор беморға таъхис қўйиб, хулоса чиқармагунча экрандан ўчмайди.

ХАЛҚАРО МОДАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Куни кеча Ўзбекистон Бадий Академияси, Ўзтелефардиокомпанияси ва «ASIAN STULE» Моделлар агентлиги ҳамкорлигида «OSIUO RAMZI—2000» халқаро моделлар фестивали Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтди.

Тошкентда илк бор ўтказилган Халқаро либос фестивалининг кўзда тутган асосий мақсади — миллий аънавларини замонавий модалда қайта тиклаш ва ривожлантириш, либосларда Шарқ, авваламбор ўзбек миллий қолорити ва услубини тарғиб қилиш.

Ушбу халқаро моделлар фестивалини ўтказишда ҳомийлик қилган «PINE LIGHTS», «LADY SPEED STICK» савдо марка-



ри, «Мир юлдузи» — продюссер маркаси ва «PULSPEKT» матбоа компаниясига ўз минаторчиликларини билдирмади, — дейди «ASIAN STULE» моделлар агентлиги директори Зулфия Хайбуллина. — Фестиваль ўзаро уйғунлик ва ўзгалликнинг ҳақиқий байрамиға айланади ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан маданий алоқаларға ўзининг улкан хиссасини қўшади.

Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистонлик 40 дан ортқик моделерлар иштирок этган бу фестивалда визажистлар ва сартарошлар таловли ҳам ўтказилди.

Шу ўринда «OSIUO RAMZI—2000» фестивалида ўз ичигада замонавий модал оқими, миллий костюм ва амалий-безас санъати аънавларини уйғунлашти-

ган дизайнер ва пардоз усталарининг сўнгги ютуқлари намойиш қилинди.

Нихоят хал қилувчи ҳажонли дақиқалар етиб келди. Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати, академик, профессор Акмал Икромжонов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари голибларни аниқладилар.

Голибларга диплом ва совғалар топширилди.

Дилфуза Раҳимова, Севара Назархон ва «Байрам» гуруҳини қийшқилари йиғилганлар кўнлиға бир олам завқ бағишлади.

Шоира МУХАМЕДОВА.

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган фестивалдан лавҳалар.

Валерий Харитонов олган суратлар.

Мардона касб эгалари

БИЗГА ЖАСУР ЙИГИТЛАР КЕРАК

Маълумки касблар орасида фуқароларимиздан мардликни, жасурлиғи қатъитиликни талаб этадиганлари ҳам талайгина. Бундай касблар сирасига ўт ўчирувчиликни ҳеч иккиланмай қиритиш мумкин. Сабаби айрим ҳолларда фуқароларимизнинг бепарволиклари ва лоқайдликлари туфайли корхонадаги ёки хонадондаги ёнғин содир бўлиб дейлик. Шубҳасизки, бундай ҳолларда бина зарар қўришидан ташқари албатта инсон ҳаёти жиддий ҳавф остида қолиши табиий. Кўпчилик касб эгалари ҳақда жасурликнинг талаб этиладиган вазифани шубҳасиз ўт ўчирувчилик бажарадилар. Чўчки ўтти ўчириш ва олов ичига қолган инсонни қутқариш учун ўт ўчирувчининг ўзи оловға қиради. Бу ҳарайн ундан жуда қатта жасоратни талаб этади. Шу боис ҳам маъзур касб эгаларига ҳар қанча тасаннолар айтса арзийди.

Хўш, ана шу шароити ва машаққатли касбни эгаллаш учун ёшларимиз нималарға аҳамият беришлари керак? Ушбу савол билан биз Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Турғун Саматовға мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан, касбимизнинг бошқа касблардан кескин фарқ қиладиган томонлари бор, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз, — сабаб ёнғин чикан жойда ўтти ўчириш учун қаққон ва тезкор ҳаракат лозим. Бунинг учун ўт ўчирувчи жисмо-

нан бақувват, абжир, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланган бўлиши зарур. Чўчки кўпичинча ёнаётган бина ичкарисига қиршиш ва шу ерда қолган фуқарони қутқаришга тўри келади. Шунинг учун ҳам бизда ишлатишга ҳоҳловчилар аввало армияда хизмат қилган бўлиши ва мен эслатган талабларға жавоб бера олиши шарт. Ана шундан кейингина иштиқон топилади. Ҳа, бизда бир сўз билан айтганда жасур, матонатли йигитлар ишлатиш керак.

— Хар доим ёнғиннинг ҳавфи ва унинг олдини олиш зарурлиғи ҳақида матбуотда мақоалар эълон қилинади. Лекин...

— Ёнғинға қарши кураш доимо долзарблиғича қолаверади демоқчисиз-да. Тўғрисики айтганда кўпичинча ёнғин қичқилишга фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлиладилар. Кўп ҳолларда ўт-олоғға бепарво бўлиш, печ ёқишда электр приборлар, газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик, болалик каросиқа қолдириш ёнғин чиккишга омили бўлади. Натияжада уй-жойлар қуйиб қўлга айланади, баъзан бевақт инсонлар ҳалок бўлади, тан жароҳати олади. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида шаҳримиз фуқароларининг 22 нафари ёнғин туфайли бевақт ҳалок бўлгани киши қалбини ларзага солади. Демак, хар бир инсон ёнғин чиккишининг олдини олиш учун қатъий курашини лозим. Ана шунда ўт ўчирувчиларға ҳам, фуқароларнинг ўзларига ҳам осон бўлади. Яъни ҳеч кимнинг уйи ёнмайди, инсон умри бевақт ҳазон бўлмайди. Сўзам нихосида оловдан эҳтиёт бўлинг, азиз одамлар, дейман.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

ситетининг жисмоний тарбия қўқитувчиси бўлиб чиқди. У ўз молини қора бозорда сотган тақдирда 9000 минг АҚШ долларига эга бўлар эди. Шунга ўхшаш мисоллар талайгина. Аммо бундай шахсларнинг барчаси қонун олдида жавоб беришлари шак-шубҳасиздир.

Бахтиёр МУСАБЕКОВ, Тошкент шаҳар ИИББ

Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

Гиевандлик бутун дунёдаги долзарб муаммолардан биридир. Наркотик моддалар билан курашиш бу соғлом авлод ва умуман бутун миллат саломатлиғи учун курашишдан иборатдир. Республикада 1 майдан бошлаб икки ишлар органларининг ку-ғайрати билан манфаддор вазирликлар ва идоралар, жамоатчилик вакиллари иштирокида «Қорадори-2000» номи остида кенг

қўламдаги тадбир давом этмоқда. Ўтказилаётган ушбу тадбир мақсад ва вазифалар таркибида наркотик моддалар мавжуд бўлган ёнғини ҳолда ўсувчи эканлигини белгилаш ва йўқотиш ҳамда наркотик моддалар ўстириш ва уларни сотиш билан ноконун равишда шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва

қўлга олишдан иборат. Чўчкини, пойтахт миллий ҳодимлари гиевандлик моддаларининг олди-сотди-си билан шуғулланувчи шахсларни